



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2007 йил
18 август
ШАНБА

№ 67
(11.974)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

Мустақиллик йилларида вилоятимиз шаҳар ва туманлари янги-ча қиёфа билан янада гўзаллашиб бормоқда. Хусусан, Янгийўл шаҳри ҳам мана шу обод гўшалар қаторида ўз номига монанд кўринишга келмоқда. Аниқ мақсад ва изчил ҳаракатлар пировардида, қисқа давр ичида шаҳар жамоли очиларди, кишиларнинг кундалик турмуш тарзи ҳам янгича мазмун-моҳият касб этаётди.

Мустақилликнинг
16 йиллигига

ТУҲФА МУНОСИБ БЎЛДИ

Кенг ва раvon йўллар қурилиб, кўчаю-ҳиёбонлар ободонлаштирилди. Шаҳар маданият ва истироҳат боғи, маҳалла гузарлари фусункор масканларга айлантирилди. Катта-кичик санат, ишлаб чиқариш корхоналари ташкил қилинмоқда. Шарқона услубдаги янги ижтимоий-маданий иншоотлар бунёд этилмоқдаки, буларнинг барчаси аҳоли турмуш фаровонлиги йўлида олиб борилаётган изчил ишхотлар самарасидир.

Ҳозир шаҳардаги 12 маҳаллада 60 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Уларни ҳар жиҳатдан муҳофаза қилиш, қулай шароитлар яратиб бериш мақсадида шаҳарнинг Самарқанд, Беруний ҳамда Шерматов номли марказий кўчалари янгидан таъмирланди. Янги ҳаёт, Тошкент шохкўчалари ҳам тартибга келтирилди. Ундан зиёд ички кўчаларда ҳам бу ишлар давом эттирилди. Бу мақсадларга давлат бюджети ҳисобидан 110 миллион сўм маблағ йўналтирилди. Саховатли ҳомийлар ҳам ўз улушларини қўшибди, албатта. Улар томонидан 40 миллион сўм маблағ ажратилди.


Шунингдек, касб-ҳунарли бўлиш истагидаги ёшлар учун 720 ўринли Янгийўл тиббиёт коллежи қуриб битказилди. Мазкур қурилишга 1 миллиард 950 миллион сўм маблағ сарфланди. Коллежни «Ишонч-қурилиш-лойиҳа» очик турдаги ҳиссадорлик жамияти йигит-қизларимиз учун ҳар томонлама қулай ва кўркам этиб бунёд қилиншиди.

Шаҳар аҳолисининг асосий қисмини ичимлик суви билан таъминлайдиган қувурларнинг 1,2 километри қайтадан янгиланди. Бунинг учун 200 миллион сўм маблағ йўналтирилди. Энг улуғ, энг азиз байрамимиз олдида шаҳар марказий шифохонасида ҳам катта ўзгаришлар амалга оширилди. Ободончилик-таъмирлаш ишлари бино кўркини очиб юборди, муолажа жараёнилари тақомиллаштирилди. Хизмат кўрсатиш машиналари тўлиқ



таъмирланиб, уларда барча қулайликлар яратилди.

– Қўтлуг байрам олдида ҳамда «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурига биноан шаҳар аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш янада




яхшиланди, – дейди шаҳар марказий шифохонаси бош шифокори Жамила Усмонова. – Бунга «Янгийўл ёрми» хорижий инвестиция иштирокидаги қўшма корхона ва хусусий тадбиркор

Мухаммедовлар оиласи катта ҳисса қўшибди. Улар ҳомийлигида касалхонамизга иккита «Дамас» русумли махсус тиббий ёрдам машинаси тўхфа этилди.

Саид ҲАСАНОВ.

ГУМАНИТАР СОҲАДАГИ САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

Япония ташқи ишлар вазирининг парламентдаги ўринбосари, парламент депутаты Мидори Мацушима хоним 17 август кўни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, олий ва ўрта махсус таълим вазири Рустам Қосимов билан учрашди.



Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик барча жабҳаларда, жумладан, фан, таълим, маданият ва соғлиқни сақлаш соҳаларида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

М. Мацушима Ўзбекистонда Президент Ислам Каримов раҳнаомлигида иқтисодиёт, фан-таълим, маданият, айниқса, соғлиқни сақлаш жабҳасини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг

қамровли ишларга юксак баҳо берди. Томонлар мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик давлатимиз раҳбарининг 2002 йили Японияга ташрифи чоғида имзоланган Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнотга мос равишда ривожланиб бораётганини қайд этдилар.

Музокарада ҳамкорликда ўзаро манфаатли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга оид масалалар юзасидан атрафлича фикр алмашилди.

Учрашув якунида Ўзбекистон ва Япония ҳукуматлари ўртасида «Акушерлик

ва гинекология илмий-текшириш институтини тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш» лойиҳаси имзоланди. Мазкур ҳужжат Акушерлик ва гинекология илмий-текшириш институтининг жароҳлик ва диагностика бўлиmlарини техник жиҳозлар билан таъминлашни кўзда тутди.

Шу кўни япониялик меҳмон Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида ҳам музокара ўтказди.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎЗА мухбири.

ЮРТИМИЗДА БУГҲН ҲАШАР

Ҳамиятли, орзу-умидли халқимиз. Байрамлар арафасида умумхалқ ҳашари уюштириб, шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш, майдонлар, ҳиёбонларни тозалаш, кўнгличар жойларга айлантириш азалий одатимиз.

Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллиги арафасида ҳам 18-19 август кўнлари умумхалқ хайрия ҳашари эълон қилинди. Шу кўнлари «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурида кўзда тутилган вазифаларни амалга оширишга қаратилган қўшма ишлар бажарилади. Халқимизга хос бағрикенглик, ўзаро ҳамжиҳатлик, саховатлилик, меҳр-оқибатлилик каби эзгу фазилатлар ёрқин намоён бўлади. Маҳаллалар, кўчалар, шаҳар ва қишлоқлар ободонлаштирилади. Маҳаллий ҳокимликлар, ўзини ўзи бошқариш идоралари, «Маҳалла» ва «Меҳр нури» жамғармалари умумхалқ хайрия ҳашари доирасида дархатларни оқлаш, кўча ва йўлчаларни, майдон ва ҳиёбонларни тозалаш,

ораста ҳолатга келтириш, қурилиш ҳамда маиший чиқиндиларни тўплаш ва махсус жойларга ташишни ташкил этади. Энг муҳими, шу кўнларда кекса ва ногиронлар, боқувчисини йўқотган ёлғиз кексалар, кам таъминланган оилаларнинг уй-жойлари таъмирлаб берилади.

Ҳашар муносабати билан вазирликлар, идоралар, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча корхона, ташкилот, ҳўжалик ва муассасалар ишчи-хизматчиларининг бир кўнлик иш ҳақини «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлиmlари ҳисоб рақамларига ихтиёрий равишда ўтказиш белгилаб қўйилди.

«Маҳалла» хайрия жамғармаси Тошкент вилояти бўлими Хоразм кўчаси, 51-уй. Х.Р. 20212000500132942001 МФО 00987 «Фаллабанк»нинг Тошкент вилояти ҳудудий филиали. ИНН 200548395.



СУРАТЛАРДА:

тиббий ёрдам автомашиналарини топириш маросими ва таълим масканида ёшлар учун яратилган шарт-шароитлар акс этган; (пасда) ичимлик суви тортиш учун келтирилган янги қувурлар.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

СИФАТ СУРЪАТГА ЯРАША

«Охангаронцемент» очик акциядорлик жамияти йилнинг ўтган олти ойи давомида буюртмачиларга давлат шартномасига биноан 951 минг 136 тонна сифатли цемент етказиб берди.

– Июль ойининг ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулот 164 минг тоннага етди, – дейди корхона раҳбарининг матбуот хизмати бўйича ёрдамчиси Нодиржон Зоҳидов. – Албатта, бу қувувчилар кун-

нига муносиб тўхфа бўлди. Шу муносабат билан бир гуруҳ илғорлар корхона маъмурияти томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Мунира ИСАЕВА.

СИЗНИ КУТАЁТГАН ЯНГИ МАНЗИЛЛАР

Мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллик байрами арафасида жойларда бунёд этилган янги таълим масканлари – мактаб, касб-ҳунар коллежлари фойдаланишга топширилмоқда. Таълим муассасалари.

Тошкент вилояти халқ таълими бошқармасидан олинган маълумотларга кўра, янгидан қад ростлаётган саккизта мактабда қурилиш ишлари нўҳюсига етмоқда. 61 мактабда капитал реконструкция, 67 тасида капитал, 16 тасида эса жорий таъмирлаш ишлари якунланаётди. Бу таълим масканлари янги ўқув йилигача тўлиқ фойдаланишга топширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил октябр ойида қабул қилинган қарорига асосан, мазкур мактаблар салкам 10 миллиард сўмлик мебель, замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси ва спорт анжонмлари билан жиҳозланади. Айни пайтда бу борадаги ишлар қизғин давом этмоқда.

ЎЗА.

ШИКОЯТ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИ КАФОЛАТИ

Ушбу конституциявий меъёр «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги қонун билан янада мустаҳкамланди. Қонунга мувофиқ, ҳар бир фуқаро давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки мансабдор шахсларнинг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари, қарорлари билан ўз ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилган деб ҳисобласа, шикоят билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Фуқароларнинг мазкур қонун доирасидаги мурожаатлари тегишли идоралар томонидан асосан ижобий ҳал этилаётди. Аммо соҳада айрим муаммолар ҳам йўқ эмас. Фуқароларнинг шикоятларини судга қадар бўлган босқичда, яъни юқори туровчи органлар томонидан кўриб чиқиш амалиётида нуксонлар учраб турибди. Хатти-ҳаракати ёки қарори устидан шикоят қилинаётган давлат органлари ёки мансабдор шахслар устидан қилинган шикоятнинг шу органнинг ўзига кўриб чиқиш учун юбориш каби ҳолатлар шулар жумласидандир. Бу – қонунга мутлақо зид.

ЎЗА.

БАРЧАСИ АҲОЛИ УЧУН

Олмалик шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси 2007-2008 йилги киш мавсумига тайёргарлик кўришга қаратилган ишларни изчил амалга оширмоқда.

Жумладан, шаҳардаги 24 та кўп қаватли уйларнинг томи жорий таъмирланди. Бунинг учун 10 миллион сўм маблағ ажратилди. Истиҳи тизимида 3245 метр узунликдаги қувурлар янгилигига давомидида партия ташкилотлари томонидан

Феруза ТўРАЕВА.

2007 йил – Ижтимоий ҳимоя йили

УЛАР ДОИМ ЭЪТИБОРДА

«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури ижросини таъминлашда вилоятдаги барча корхона, ташкилот, муассаса, жумладан, сиёсий партиялар фаол иштирок этмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Марказий, ҳудудий ва маҳаллий кенгашлари шу йилнинг биринчи ярмида Ижтимоий ҳимоя йилига бағишлаб, жойларда 200 дан зиёд турли тадбир, учрашув, давра суҳбати ва савол-жавоб кечалари ўтказди. Ушбу жараёнлар давомида партия ташкилотлари томонидан

аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига жами 13,8 миллион сўмликдан зиёд ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Таъкидлаш жоизки, тадбирларни белгилаш ва оқиллона ташкил этишда, айниқсан, ёшлар ҳамда болаларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ана шундай тадбир-

лардан бири Бўка туманидаги меҳрибонлик уйида ҳам ўтказилди. Партиянинг Марказий ҳамда вилоят кенгашлари ҳамкорликда ташкил этган ушбу тадбирда республика Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, палата аъзолари, кенгаши фаоллари, вилоят партия кенгаши аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Партия Марказий кенгаши расми, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Хуршид Дўстмухамедов

тадбирни кириш сўзи билан очиб, Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан амалга оширилаётган ишлар ҳақида тўхталди ва партиянинг ўтказилаётган тадбирлардан асосий мақсади одамийлик, инсонпарварлик ҳамда инакам ватанпарварлик фазилатлари чуқур сингдирилган қомил инсонларни тарбиялаш эканлигини таъкидлади.

Тадбирда сўзга чиққанлар республикада ёшлар ва болалар тарбиясига берилаётган жиддий эътибор, улар-

нинг пухта билим олишлари, бўш вақтларини ҳам мароқли, ҳам фойдали ўтказишлари, оммавий спорт турлари билан эмин-эркин шуғулланишлари учун яратиб берилаётган шарт-шароит ва имкониятлар, партиянинг айнан шу мақсадларда амалга ошираётган ишлари ҳақида фикр юритдилар.


Тадбир нўҳюсига меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига партия Марказий ҳамда вилоят кенгашларининг эсдалик совғалари топширилди.

«Келажак овози – 2007»

Кейинги йилларда мамлакатимиз иқтидорли ёшларини қўллаб-қувватлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар пировардида юртимизнинг минглаб ёш истеъдод соҳиблари кашф этилмоқда. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми жамғармаси» ҳамда «Камолот» ёшлар иқтимоий ҳаракати марказий кенгаши ҳамкорлигида ҳар йили мунтазам ўтказиб келинаётган «Келажак овози» кўрик-танлови бу каби хайрли ишларда муҳим аҳамият касб этапти.

Яқинда ушбу танловнинг вилоят саралаш босқичлари бўлиб ўтди. Таъкидлаш жоизки, шу йилдан эътиборан танловга спорт йўналиши ҳам қўшилди. Қолаверса, ғолиблар эндиликда мамлакатимиз олий ўқув юртиларига имтиёзли қабул қилинади.

Йилдан-йилга танлов иштирокчилари сафи ортиб,



қизларимиз иштирок этиш истагини билдирганлар.

Танловнинг вилоят саралаш босқичларида ёшларимиз ўзлари танлаган йўналишлар бўйича ўзаро беллашибди. Ҳар бир йўналиш бўйича ҳакамлар ҳайъати энг иқтидор ва истеъдод эгаларини саралаб олди. Улардан 41 нафар ғолиб танловнинг республика босқичида иштирок этиш учун йўланмаларга эга бўлишди.

Азиза КУРБОНОВА,
«Камолот» ёшлар иқтимоий ҳаракати вилоят кенгаши матбуот хизмати ходими.

СУРАТЛАРДА:

танловдан наҳхалар.
Даврон АХМАД
олган суратлар.

НАВБАТ РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИГА



Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси Низомига мувофиқ ўтказилаётган Тошкент вилояти шаҳар ва туман хотин-қизлар кўмиталарининг ҳисобот-сайлов конференцияларида кейинги икки ярим йил давомида амалга оширилган ишлар, қўлга киритилган ютуқлар таҳлил этилиб, йил қўйилган ҳато ва камчиликларга барҳам бериш чора-тадбирлари белгиланмоқда.

ФАОЛИЯТ
НАТИЖАЛАРИ
ТАҲЛИЛ
ЭТИЛМОҚДА

Бугунги кунда вилоятда меҳнатга лаёқатли аҳолининг 51 фоизидан кўпрогини аёллар ташкил этади. Уларнинг 30 мингдан ортиғи вилоят саноат корхоналари, қурилиш ташкилотларида, ўттиз мингга яқини қишлоқ хўжалигида меҳнат қилмоқда. Шундан қарийб саккиз мингга ўз фермер хўжаликлари, хусусий тадбиркорлик корхоналарига эга. Улар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларига салмоқли улуш қўшиб келмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида вилоятда тадбиркорлик фаолиятини юритаётган хотин-қизлар учун уч миллиард сўмга яқин кредит ажратилди.

Оҳангарон шаҳрида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида хотин-қизлар кўмитасининг фаолиятидаги ютуқ ва камчиликлар батафсил муҳокама этилди.

Бугунги ўзбек аёли фақатгина оила бекаси эмас, мураббий ва тарбиячи, тадбиркор ва сивасати, оlima ва раҳбар сифатида ҳам намойиш бўлиши шарт, – дейди Оҳангарон шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси, туман ҳокими ўринбосари Ҳалима Шамшинова. – Шаҳримизда етти мингдан ортиқ хотин-қиз турли соҳаларда самарали меҳнат қилмоқда. Шунингдек, икки юз нафардан зиёд аёл тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келмоқда. Уларнинг сафи кенгайишда «Темир ота» хусусий корхонаси раҳбари Дилбар Алимуҳаммадова, «Тадбиркор аёл» уюшмаси раиси Зарифа Боходирова, «Бунёдкор аёл» уюшмаси раҳбари Мухтарам Сайфуддиновларнинг алоҳида ўрни бора.

Йиғилишда хотин-қизлар кўмитаси фаолиятида йўл қўйилган камчилик ва нуқсонлар ҳам рўй-рост айtilди, уларни бартараф этиш юзасидан тегишли вазифалар, чора-тадбирлар белгиланди.

Бундай йиғилишлар вилоятнинг Ангрэн, Чирчиқ шаҳарлари, Бўка, Оҳангарон, Пскент, Қийраш, Зангиота, Оққўрғон, Бўстонлиқ туманларида ҳам бўлиб ўтди.

Л. СУВОНОВ,
ЎЗА муҳбири.

ҲАЁТ УЧУН БЕШ ДАҚИҚА

Шаҳар ва туман тиббиёт хизматлари ходимлари иштирокида фавқулодда вазиятларнинг олдини олишга қаратилган ўқув машғулотлари ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳамда «ЮНИСЕФ» халқаро ташкилоти ҳамкорлигида ўтказган ушбу тадбирда 100 дан ортиқ тиббиёт ходими, фавқулодда вазиятлар тизимидаги мутасаддилар иштирок этишди. Ўқув машғулотлари давомида фавқулодда вазиятларга доир қисқа метражли фильмлар намойиш этилди. Айниқса, халқаро «ЮНИСЕФ» ташкилоти томонидан тайёрланган «Ҳаёт учун беш дақиқа» фильми барча йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

Сир эмас, қўпчилик юртошларимиз ўзлари яшаб турган қўпқаватли бино-

ларда турли қурилишлар қилишади. Бир хоналик уйлар икки хоналикка, уч хонали хонадонлар эса икки хонали уйга «қўйболо» тарзда айлантирилади. Оқибатда биноларнинг зилзилабардошлигига жиддий путур етказилади. Ўқув-амалий машғулотларда айнан ана шу каби масалалар муҳокама этилди.

Ақсарият инсонлар ўзларининг ноҳўя хатти-ҳаракатлари билан ҳаётларини хавф остига қўяётганликларини билмайдилар, – деди биз билан суҳбатда «ЮНИСЕФ» халқаро ташкилотининг етакчи координатори Хусан Турсунов. – Ахир, зилзилалар бутун-

лай бешикаст ўтиши мумкин. Бунинг учун биз энг аввало, ўзимиз яшаб турган хонадонларда хавфсизлик чораларини кўриб қўйишимиз керак. Масалан, уй жиҳозларини, мебелларни деворга мустаҳкамлаб қўйиш мумкин. Бунда ҳам хавфсизликни таъминлаган бўламиз. Хуллас, ўз-ўзини асрай билиш учун билим, қўнма зарурлигини унутмаслигимиз керак.

Қизилқари тарзда, босқичма-босқич амалга оширилган ўқув-тактик машғулотлари барча иштирокчиларда катта таассурот уйғотди, уларнинг тасаввурларини, билим ҳамда тажрибаларини бойитди.

Умида ҲАСАНОВА,
вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси етакчи мутахассиси.

Таассуф

Ҳаёт бир маромда турмайди. Инсон ҳамиша олға интилади. Шу зайдда вақт турмушининг турли паст-баландликларига тажриба ва қўнма-ларимизни чархлаб, эътиқодимизни синодав ўтказиб боради. Эзгулик, истиқбол сари ишонч туйғуси бизни руҳлантириб, орта чекинишдан, турли разолатлардан сақлайди.

Лекин, киши билатириб ўз тақдирига бафарқ бўлса-чи? Тўғри йўл қилиб, балои нафс ортидан тубсиж жарлик ёқасига келиб қолса-чи? Бундан-да оғирроқ кўрғулик бўлмаса керак. Бирок, Гафур Кучаровнинг хаёлидан мўмай даромад, «яши яша» фикри кетмай қолди. Бир бора босиб олинган тикан захри ҳали унутилмаёқ, отни камчиллаб қолишни афзал билди чоғи.

Бир кунги ўзи билан ишлайдиган ходим – бош мутахассис Йўлдошбой Маҳаматов яқин бир режаси борлигини, лекин бир ўзига оғирлик қилаётганлигини айтиб қолди. Зеҳн солилиб эшитса, дурустгина иш, жараҳ-жараҳ пул. Ўйчи ўйлагунча, таваккалчи мақсадига эришаркан. Маслаҳатини бир жойига қўйиб, ишни дангал бошлаб юборишди. Аста-секин, доира кенгайиб, ишлар ҳам ўз-ўзидан юришиб кетаверди.

Улар ўз мақсадларини амалга ошириш учун «Юнонхон бизнес савдо» хусусий фирмасини ташлашди. Белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтишдан бўйин товлаб, келгусида назорат қилинмайдиган жуда кўп миқдорда фойда олишни қўзлашди. Хуллас, Ўртачирчиқ тумани Чолдаровул маҳалласи ҳудудидан Тўйтепада жойлашган мазкур фирманинг филиали сифатида фаолият юратадиган гишт пишириш цехи қуриш учун маҳаллий ҳокимият ҳамда бошқарув идоралари томонидан 1,5 гектар майдонга ҳужжатлар тайёрлаб, жойини олишди. Шундан сўнг, Гафур Кучаров, Йўлдошбой Маҳаматов, фирма раҳбари Равшанжон Норқўзиев 2005 йилнинг июль ойида ушбу майдонга тўртта гишт пишириш печи қурдиришди. Энди ушунга таъриқлиқ қилишга улаш учун белгиланган тартибдаги узок муддатли шартномани тузмай, Ф. Кучаров ҳамда Й. Маҳаматов ўз лавозимларидан имкон қадар фойдаланиб қолди. 900 метр узунликдаги газ қувурларини тортиб, газ хисоблагич ўрнатилганлиги хусусида сохта ҳужжатлар тайёрлаб, цехни фойдаланишга яроқли ҳолга келтиришди. Бунинг учун озмонча югур-югур қилишмади. Қингир ишнинг қаловини топиш осон кечди, дейсизми?

Шу орада Холмат Худойбердиев

ЧОЛДАРОВУЛ
МАШМАСАСИ

ҳам дангалчи «тадбиркорлар» даврасига қўшиб олинди. Улар учун асосий масала – бу хом ашё муаммоси эди. Бунинг ҳам йўлини топишди. Тумандаги «Газ монтаж» ХХК хусусий фирмасига қарашли гишт ишлаб чиқариш цехи бошлиғи Сергей Цой билан гаплашиб, келишиб олинди. 2005 йилнинг октябр ойидан бошлаб ярим йил давомида кейинчалик қайтариб бериш шарти билан жами 246 минг дона хом гишт олинди.

Табиий газдан «унумли фойдаланиб», барча гиштни пишириб олишди. 30 минг донасини 4 хонали бино қурилишига ишлатиб юборишди. Шунингдек, 212 минг дона гиштининг ҳар бирини ўрта ҳисобда 34 сўмдан пуллаб, жами 7 миллион 297 минг 900 сўм даромад олишди. Буни қарангки, «сахий» тадбиркорлар табиий газдан бебилкаси фойдаланаётганликлари учун «Тошвилоятгаз» корхонаси ходими Аваз Акбаровни ҳам унуттирмади. Билиб билмаганга олиб юргани эвазига унга 4 минг дона пишиқ гишт етказиб беришди. Чунки, айни шу «очикўл» амалдорнинг хайрақаллачилиги тўғрисида бу пелчарга 29 минг 186 кў метр, яъни 1 миллион 208 минг 300 сўмлик табиий газ ҳеч бир ҳисобсиз «оқиб» келганга ўғричана ишлаб чиқариш эътижани тўхтосиз қондириб турганда-ди.

Мўмай даромад сохта тадбиркорларни анча жонлантириб, умид чи-

рогини порлатиб юборди. Яна икки ой давомида Сергей Цойдан 80 минг дона хом гишт олиб, шу пелчарда пишириб, тайёр ҳолатга келтиришди. Жами 5 миллион 280 минг сўмлик гиштан 2 минг донасини 132 минг

ни унуттирди. Холбуки, улар чакана одамлар эмас, балки эгаллаб турган лавозимларига кўра ўзларига ишониб топирилган ва ундан белгиланган тартибда фойдаланилишини назорат қилиб бориш маъсулияти юклаган мансабдор шахслардир. Ф. Кучаров ҳамда Й. Маҳаматов эса, буни унутиб, мўмай даромад олишни қўзлаб, ўз мансабларидан гаврали мақсадларда фойдаланиб қолишга уриндилар.

Лекин сир очилиб, асл башаралари жамоатчилика маълум бўлиб қолган, суд-тергов жараёнида улар ўзларини минг қўйга олиб, туман газ идорасида бош муҳандис, маълум фурсат бошлиқ, кейинроқ мутахассис бўлиб ишлаб турган мансабдор бир киши – Гафур Кучаров ўз қўл остида ишловчи (2006 йилнинг 18 апрелидан бош муҳандис) Йўлдошбой Маҳаматовнинг бир оғиз гапига лақ этиб тушганини ҳаспўшлагига обдон уринди. Қўзини лўқ қилиб, «гишт пиширилган пайтда меҳнат таътилида эдим, хабарим йўқ» дейишгача бориб етди.

Кучаровнинг суддаги гапига ишонилса, 32 миллион 400 минг сўмлик табиий газ «хавога учиб кетган» бўлиб чиқади. «Газ қувурлари эскириб кетган, – деди у судда, – газ қувурларидан чиқиб кетаяпти», буз талон-торқ қилинишини ҳаспўшлагининг бундан «ишонарли» йўли бўлмаса керак!

Чолдаровул газ машмашасига оид материаллар билан танишиб туриб, бир нарсасга лол қолди. Цех ўғрича газ тармоғига улангач, Гафур Кучаров қўл остидаги мутахассисларга ҳужжатларини «тегишли тартибда» расмийлаштириш вазифасини юклайди. Пайвандчи Баҳодир Қобилов ҳам, «Тумангаз»нинг газдан фойдаланиш бўлими етакчи мутахассиси Сафарбой Эшимов ҳам, газ тақсими бўлими бошлиғи Бахтиёр Турмутов ҳам ҳеч ўйлаб ўтирмай, ўз раҳбарларининг буйруқларини бажариб, «тегишли» ҳужжатларни имзолаб беришди. Ўзларининг бу юзакчиликлари билан ҳужжат сохтакорлигига, қўллаб газ ўғирлашишига йўл очиб беришганлигини ўйлаб ҳам ўтиришмади.

Албатта, жиноятчилар қилмишларига яраша жазо оладилар. Лекин гап жазода эмас. Гап – ўқиб, уқ олмаган, моддий манфаат деса, ўзини томондан ташлайдиган бу кимсаларнинг шахсий қусурларидан. Бу воқеа уларнинг ҳаётида қора доғ қолдирди. Бу доғ энди уларга бир умрлик сабоқ бўлса ажаб эмас.

Хасанбой САЪДУЛЛАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

Долзарб мавзу

АСЛ ДЕҲҚОНДА ИНСОФ БОР

Қишлоқда яшовчи одамлар ўз ҳовлисида мева-сабзавот етиштиради, мол-қўй, парранда боқади. Шу боис, оиласи учун мева-сабзавот, сут-қатиқ, тухум излаб бозорга бормайди.

Лекин, бугунги кунда ҳамма ҳам бундай имкониятга эга эмас. Шу маънода бозорлар фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш, бозор маданиятини юксалтириш, аҳолига кўрсатиладиган хизматлар сифатини янада яхшилашга ҳукуматимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бозорнинг ҳам ўз тартиб қоидалари бўлади. Уларга қатъий риоя қилиниши, ҳам харидор, ҳам сотувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш чоралари қўрилиши шарт. Аммо, бу борада йўл қўйлаётган лоқайдликлар ўринли эътирозларга сабаб бўлмоқда. Сотувчилар истаган жойларида савдо қилишмоқда. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳар ерда сотилмоқда.

Мана шундай ҳолатлар эътиборга олиниб, шу йилнинг май ойидан бошлаб вилоятда хайрли ишга қўл урилди. Аҳоли ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказувчи деҳқон-фермер хўжалиқларига ва оилаларга ҳар томонлама қўлайликлар яратиш мақсадида маҳаллаларда дўконлар ҳамда савдо шохобчалари ташкил этила бошланди. Маҳалла дўконлари ёнида мол, қўй, товўқ гўшти ва тухум билан савдо қилиш учун мўлжалланган замонавий турғун савдо шохобчалари қурилмоқда.



«Маҳалла» хайрия жамғармасининг вилоят, шаҳар ва туман бўлимлари барча маҳалла оқсоқоллари билан бирга вилоятда 1276 та маҳалла мавжудлигини аниқлаб, шундан 989 тасида маҳалла дўконлари ҳамда 318 та турғун савдо шохобчалари ташкил этиши лозим деб топдилар ва шу йилнинг 6 июль ҳолатига 935 та ана шундай дўкон ташкил этилди, 157 та турғун савдо шохобчаси фойдала-

нишга топширилди. Бундай дўконлар ва савдо шохобчалари қурилишида тадбиркорлар (459), фермерлар (311), маҳаллалар (25), «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят, туман ва шаҳар бўлимлари (20) бевосита иштирок этидилар.

Хозирги кунда бу бозорларга мева-сабзавот, гўшт, тухум етказиб бериш учун 1200 дан ортиқ деҳқон-фермер хўжаликлари бириктирилган. Шу

гилликлар нархларда акс этиши турган гап.

Бирок, орамизда нархларни сунъий тарзда оширишга ҳаракат қилаётганлар ҳам учраб турибди. Буни бартараф этиш учун «Маҳалла» хайрия жамғармаси вакиллари туман, шаҳарлардаги солиқ идоралари ходимлари билан мониторинг ўтказмоқда. Хусусан, Оққўрғон ва Оҳангарон туманларида ҳамда Олмалиқ ва Оҳангарон шаҳарларида олиб-сотарлик қилиб, қўй ва мол гўшларининг, сабзи ҳамда пиёзнинг нархини асоссиз ошираётганлар аниқланиб, уларга нисбатан тегишли чоралар қўрилди. Бу борада тушунтириш ишлари мунтазам олиб боришмоқда.

Қадимдан гузар марказлари гавжум бўлган. Бу ерда – оталар чойхонаси кишин-ёзин нуронийлар хизматида бўлади. «Матлуботсавдо» шўба корхонасининг бир неча савдо дўконлари ҳам айнан шу гузарларда жойлашган. Қолаверса, қўллаб хусусий ва тижорат дўконлари ҳам мавжудки, улардан исталган маҳсулотни топиш мумкин.

Хулоса қилиб, вилоятда ички бозорни тўлдирish борасида изчил ишлар олиб борилиб, аҳолига таълаим қўлайликлар яратилмоқда дейиш мумкин. Бу ташаббусдан, биринчи навбатда, халқ манфаатдор бўлаётир. Аслида кўзланаётган мақсад ҳам шундан иборат.

Камолжон ШОДИМЕТОВ,
«Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят кенгашининг раиси.

СОҲА УЧУН МУҲИМ ТАДБИР


Тошкентдаги «Le Grand Plaza» меҳмонхонасида Ўзбекистон ахборот технологиялари ассоциацияси ва Корейнинг Интернетни ривожлантириш миллий агентлиги ўртасида имзоланган Шериклик тўғрисидаги меморандумга мувофиқ «U-Connect 2007» икки кунлик халқаро семинари ўтказилди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Корей республикаси Ахборот вазирлигининг расмий кўмағида ўтказилган ушбу семинар турли мамлакатларнинг мутахассисларида катта қизиқиш уйғотди. Шу сабабдан иштирокчилар сони 200 дан ошди. Семинарда халқаро миқёсдаги ва мамлакатимиз олимларининг юқори технологияли лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш жараёнларини мақ-

буллаштиришга оид ёндашувлар, соҳада инфратузилмаларни шакллантириш ва стандартлаштириш масалалари, ахборот технологияларининг бугунги кундаги ҳолати ва истиқболлари га бағишланган маърузалар тингиланди. Шунингдек, интернет тармоғини қонунчилик йўли билан қўллаб-қувватлаш ва хавфсизлик масалалари юзасидан фойдали фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Хуршида НАЗАРОВА.

Тотлим

ХАЛҚАРО
ҲАМКОРЛИК АСОСИДА

Мамлакатимизда ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантиришга йўналтирилган қатор дастур ва лойиҳалар бугун алоҳида долзарблик касб этаётир. Айниқса, таълимнинг мазкур самарали ва муҳим бўлишининг янада такомиллашувига илгор хорижий мамлакатлар билан йўлга қўйилган мақсадли ҳамкорлик қўл келаяпти.

Хусусан, Япония халқаро ҳамкорлик банкни (JBIC)нинг имтиёзли кредити доирасида амалга оширилган «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш» лойиҳаси фикримиз тасдиғидир. Таъкидлаш жоизки, бу лойиҳанинг мақсади 50 та қишлоқ хўжалиги йўналишидаги касб-ҳунар коллежларини ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш, услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш ва мутахассислар малякасини оширишга қаратилган бўлиб, унинг қиймати 58,8 миллион АҚШ доллари га тенгдир.

Лойиҳанинг имтиёзли кредити ҳисобидан касб-ҳунар коллежларига ўрнатилган ўқув-лаборатория ва технологик жиҳозлардан таълим жараёнида фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш мақсадида икки томонлама кўмак дастури ишлаб чиқилди. Унга кўра яқинда Тошкент туманидаги Кенсой қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежиди қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш йўналишидаги ўқув-лаборатория ва технологик жиҳоз-



лардан фойдаланиш ҳамда техник хизмат кўрсатиш бўйича амалий семинар ташкил этилди. Унда лойиҳада қамраб олинган ўқув юрталарининг 188 нафар мутахассис ва ўқитувчилари иштирок этиди. Семинарда хорижий ва маҳаллий мутахассислар фойдалли маърузалар билан чиқишди. Шунингдек, ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида сўровномалар ўтказилиб, семинар натижалари таҳлил қилинди ҳамда ўқув юрти раҳбарлари, касбий таълим устозларининг малякаларини ошириш юзасидан тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Уч кун давом этган анжуманда йиғилганлар меъзон коллежга лойиҳа асосида ўрнатилган сутни қайта ишлаш технологик линиясидаги ишлаб чиқариш жараёни билан ҳам яқиндан танишилди.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ.

СУРАТЛАРДА:

амалий машғулот жараёнидан наҳхалар.
Даврон АХМАД олган суратлар.



ЯКШАНБА 26

Мирзо Улуғбек туманидаги "Хаёт-ниҳолчи-сервис" хусусий уй-жой мулкдорлари шirkатига тегишли думалоқ муҳр ҳамда бурчак штампга йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Утерьяную круглую печать ЧП «Беков нов Виталий Сергеевич» Юнусабадского района,

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Утерянный аттестат № 101088 выданной школой № 21 г. Алматы, Ташкентской области в 1971 году на имя Конкиной Светланы Николаевны,

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

✴
хон сотади-
г вакили

хон бор,

нинг қопко-
ри килин-
ида сич-
лади.
✴
почтамиз
йиди-да,
и ошанси-
ссор.- Уч-
сбимга ҳат-
ун чўнта-

✴
морга:
Яшил

хаммасини бир бошдан ай-
тиб беринг-чи...
– Марҳамат. Аввал ер-
билан осмонни яратдим..
✴ ✴ ✴
Профессор соябонини
йўқотиб қўйди. Кун бўйи
кайтиб дўконга, кирган
булса, ҳаммасига бирма-
бир кириб, соябонини су-
риштирди. Ниҳоят, йўқол-
ган нарса бокхоллик дўко-
нидан топилиди.
– Бутун шахардаги
дўкончилар ичада,- деди
профессор дўкон эъзаига
– бирдан-бир ҳалолой-
ўзингиз экансиз. Қолган-
ларининг ҳаммаси соябо-
нингни кўрмаганимиз де-

Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт

САФАРДАН ОЧКО БИЛАН ҚАЙТИШДИ

Чемпионат иштирокчилари навбатдаги тур учрашувларини ўтказдилар. «Металлург» жамоаси Наманганда «Навбахор» билан баҳс юритди. Биринчи бўлимда ҳар иккала жамоа ҳужумчиларининг уринишлари самара бермади. Иккинчи бўлимда майдон эгалари ҳисобни очишга эришдилар.

Учрашув бош ҳаками наманганликлардан бир ўйинчини қўполлиги учун майдондан четлатди. Шундан сўнг металлургчилар жавоб тўпини киритиш учун ҳужумкор ўйин намоиши этдилар. Учрашув тугашига 5 дақиқа қолганда Баҳром Умаров ҳисобни тенглаштирди. Ушбу дурандан сўнг «Металлург» 9 очко билан 15-ўринни банд этиб турибди.

Колган учрашувлар куйидагича якунланди: «Курувчи» — «Андижон» — 3:0, «Самарқанд-Д» — «Трактор» — 3:0, «Насаф» — «Шўртан» — 2:1, «Бухоро» — «Локомотив» — 1:0, «Қизилқум» — «Машъал» — 0:0, «Пахтакор» — «Вобкент» — 5:1.

Навбатдаги тур учрашувлари 25-26 август кунлари бўлиб ўтади. «Металлург» «Самарқанд-Д»ни қабул қилади.



Шу кунги Султоналининг гапларини очилиб кетди. Чала қолган докторлик ишини эслаб, Қарши чўлида зах суварлари Сарсонқум ичкарига оқизиб юбориш учун ташлама канал қурилишида бўлиб ўтган қизик-қизик ҳангомаларини ёдга олди. У бошини кўтармас, Насибхонга қарамас, пиёлачини қайтарайтганида ҳам кўзларини алланечук юмиб оларди.

«Бу одати гашимни келтириб, дафъатан бироз энсам кетди. Ўрнидан туриб кетдим. Хонани бир айланиб чиқиб, дераза зирҳига тирасгим билан сундим. Султонали ака буш пилани айлантириб ўйнаганича ҳамон гапириб ўтирибди».

Уша ҳолатни Султонали яхши эслайди. Насибхоннинг кўзларига зериклими, ҳафсаласизлиги, шунга ўхшаш ифодани кўриб қолишдан

— Менга турмушга чиқишга розимисиз?

Насибхон Султоналига ўйчан тикилиб қолди.

— Жуда қизик бўлапти-ку...

— Таажжубингиз тўғриси, Насибхон, — деди Султонали.

У бироз ўйланиб турди, кейин вазини бир оҳангга қўшиб қўйди.

— Лекин гапим жиддий, жуда жиддий.

Насибхоннинг тили қалимага келмай қолди.

— Жимлик — аломати ризо, — Султонали шундай деганича, тез-тез қадам ташлаб, ичкари кириб кетди.

Насибхон, дафъатан, нима бўлаётганини идрок этмаётганга ўхшар, бирок шу кунларда қалбнинг бир четиди пайдо бўлган илнж, илнжлик эътирозга бўй ҳам бермасди.

Бироз фурсат ўтган, дарвозада Султонали кўринди. У хурсанд эди.

секин қадам ташлаб, Султоналининг ёнига борди. У чап қўлини кўтариб, аёлни бағрига олди. Шу алфозда узок туриб қолишди. Охири Насибхон чидай олмади:

— Нахоти, ухламадингиз?

— Бутун дунёим остин-устин бўлиб кетди.

Кейин Насибхонни етаклаб бориб диванга ўтказди. Гилламан тиз чўмқоқни эди, аёл тилпирчилаб, ўрнидан туриб кетди:

— Нима қилаёсиз?!

У Султоналини қўлгагидан олди.

Султонали ниманидир сўрамоқчи бўлиб, Насибхонга ўғирлигидан эди, у аста:

— Хеч нимани сўраманг, дадаси, — деди. — Нимани билмоқчи бўлсангиз — ҳаммаси, ана, дафтарга ёзилган. Шўрқик, сизни ана учратдим. Болаларим, бўлуни набарларим олдида юзим ёруғ эди.

Барбири, бир савол Султоналининг ҳаловатини олиб қўйганди, унга аниқлик киритиш истаги қўли эди. Буни Насибхон ҳам сезиб турар, лекин шу аснода сукули кишисини бирор гап айтишдан қўра, унинг юрак уришига қулоқ солиб, ёнида жимгина ўтиришни афзал қўларди.

Мазкур кўргазма-ярмарка «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» ҳам-фармасининг пойтахти-миздаги Миллий санъат марказида «Вага-Арт 2007» кўргазма-ярмаркаси ташкил этилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри халқ амалий санъати усталарининг ижод намуналарини билан таништириш мумкин.

Унинг очилишида маданият ва санъат арбоблари, мамлакатимиздаги дипломатик корпус, сайёҳлик компаниялари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мазкур кўргазма-ярмарка «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» ҳам-фармаси Миллий санъат марказининг илк ижодий лойиҳаси бўлиб, амалий санъатимиздаги мавжуд миллий йўналишлар, услублар, мактабларни асраб-авайлаш, истеъдод соҳибларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида ташкил этилди.

Тўрт кун давом этаётган кўргазма-ярмаркада ижодий беллашув голиблари қиматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Бош мукофот соҳиб эса Францияда бўлиб ўтаётган «Ипак йўли ва сайёҳлик» кўргазмасида иштирок этиш имкониятини қўлга киритди.

Назозат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ

НАСИБА

Воқеий қисса

чўчиб шундоқ қилганди.

«Бирдан: «Султонали акага оғир ҳозир. У киши кўнглини очмоқчи, ўз дардларини тўқиб солмоқчи, лекин нимадир ҳалал берапти», — деган фикр ҳаёлимга келиб қолди. Аста бориб, ёнидаги ўриндиққа ўтирдим. Нера бундай қилганимни ҳозир ҳам тушуна олмаяпман, лекин қандай қилиб ўша аснода қўлим елкасига бориб қолганини сезмадим. У менга аят этиб қаради. Кўзимни олиб қотмадим. Аксинча, кўзларига, қолларига тикилиб туриб: «Ҳаммаси ўтиб кетади, ака, — дедим. — Вақт — зўр даво. Хар қандай дардларини ҳам унуттириб юборади».

Аллақандай бир кун Султоналининг ич-ичидан отилиб чиқди. У ўтирган жойида бир тўлғонди, кейин елкасидан Насибхоннинг қўлини олиб, қафтиридан ўтди. Уни бағрига тортиб, унсиз-сўзсиз узок ўтирди. Насибхон ҳам қилт этмас, Султоналининг елкасига бош қўйганича бирор нима дейишга мажбур келмай қолди. Улар унсиз суҳбатлашарди, дардларини, бу ҳаётдан орзу-умидларини бир-бирларига тўқиб солишарди...

— Туринг, Султонали ака, — Насибхон шундай деди-да, кутилмаганда шахд билан ўрнидан кўзгалди. — Кетдик.

Султонали «Қаёққа?» деб сўрамади. Шу топда бу аёл «Тошкентга пиёда кетамиз» деса, ҳеч иккиланмай йўлга тушгудек эди.

— Мен пастда, ҳовлида кутаман, — деди Насибхон ки-йим шаққини она туриб. — Тез киийиниб, туша қолинг. Бир шахар айланайлик.

Сочи кўчаларини айланиб юриб, дарвозалари очик жоме масжиди ёнидан ўтиб қолишди. Шу аснода ҳаёлига келган фикрдан Султоналининг юраги ўйнаб кетди. Унинг руҳиятидаги ўзгаришни Насибхон ҳам сезди.

— Сизга нима бўлди? — деб сўради.

Султонали ўтирилди. Унинг икки юзи лаъла-лаъ ёнар, кўзлари порлаб турарди.

— Сизга нима бўлди? — Насибхон саволини такрорлади.

— Насибхон, — Султоналининг овози титроқли эди, — ҳафса бўлмасангиз, бир таклифим бор.

— Ҳўш?

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

— Тез санаторийга бориб келишга тўғри келиб қолди, Насибхон, — деди у ўтиб бораётган такси шоферига ўнг қўлини силтаб.

Насиба «Нега?» деб сўрамади. Бамисоли унинг тили боғлигани, идрок фағлаҳлигани қолгандек эди. Машина санаторий дарвозаси ёнида тўхтади. Султонали:

— Машинада ўтириб туринг, мен ҳозир чиқаман, — деганича ичкарига кириб кетди.

Қўп ўтмай дарвозадан уч киши чиқиб кела бошлади. Султоналининг ёнида у билан бир столда ўтирадиган Аҳмад-жон ака салмоқлиниб қадам ташлар, бироз четроқда келатган аёлни Насибхон узокдан таниди. У ён ҳонада яшарди. Қайси бир кун кириб, Насибхон билан бироз суҳбатлашиб ўтирди. Исми — Хосиятхон, маорифчи экан.

Киригиз, киригиз, тар муллалар уларни ҳовлида кутиб олди. — Турига ўтигиз.

Улар кенг бир хонага киришди. Стол атрофида ўтиришди. Мулла Аллоҳнинг ни-коҳи фарзлигидан гапирди, Аҳмад-жон ака билан Хосиятхонга томонлар вакиллари-нинг бурчи ва масъулиятини тушунтирди. Насибхон ҳамон ломим дея олмай ўтирарди. Гаплар олис-олислардан эшитиларди гўё. Иккинчи саволи ҳам жавобсиз қолгач, мулла ўтирганларга бир қўр назар ташлади, кейин сўроғини такрорлади. Хосиятхоннинг ўнг қўли Насибхоннинг елкасига борди. Шунда у Султоналига кўз қирини ташлади. Йигитнинг қарашлари ўйчан, лекин илтижоли, илнжли эди. Буни кўриб, Насибхон астагина:

— Розиман, — деди.

Султонали бир селпиниб олди. Ниҳоят, домла никоҳни ўқиб бўлди, дуога қўл кўтарди:

— Турмушгиз кутлу, муборақ бўлсин...

Масжиддан чиққанга, Султонали майдоннинг тўридаги қаҳвахонага бошлади.

«Эр кишининг елкасига бош қўйишнинг роҳати шунчаларкими! Унинг енгил, иссиқ нафаси мени арши-азвога кўтариб олиб кетади назаримда...»

Эшик аста очилди. Султонали хона ўртасида тик турарди. Стол устидаги очик дафтарга кўзи тушиб, Насибхон ҳаммасини тушунди. Секин-

Хали гаплашиб, нафасларига тўйиб улгуришди. Мухими, яна учрашди, мана, ёнма-ён ўтиришди. Шу дақиқаларнинг келишини у йигирма беш йил кутди. Кўнгли очиб гапиролмаслиқдан ортик азоб бўлмас экан дунёда. Айниқса, Сочидан қайтиб келганидан кейин, ҳомиласи белги бера бошлаган кезлари ўзини кўрага жой топа олмай қолди. Кекса онасининг унсиз саволларига бу ҳам унсиз жавоб берар, кўзёшлари туңлари ёстигини жиққа хўл қилиб юборарди.

Унинг ахволи-руҳиятини сезиб юрган эканини, онаси бир оқшом ётоғига кириб келди. Насибхон ўрнидан кўзга-ла бошлаган эди, елкасига қўлини қўйди, кейин ёнига ўтириб, пешонасини, бошини силлаб бошлади.

— Юрагим сизди, қизим, санаторийдан кўзларинг порлаб, пешонанг текис тортиб келдинг. Шунчалар енгил эдингиз...

Насибхон ортик тоқат қила олмади, онасини кучоқлаб олди, тиззасига бошини қўйди. Қизининг силкиниб-силкиниб тушаётган елкаларини силлаб, Бахриниса ая маҳзун бир оҳангда сўзлай бошлади:

— Келин бўлиб тушганимдан кейин 20-30 кун ҳам ўтмай аданг фронтга кетди. Бағрим ҳовлимиздек ҳувиллаб қолди. Поездга чиқиб олдидан: «Иттифоқо, қиз кўрсанг, исмининг Насиба, ўғил туғилса, Рихсивой қўйгин», — деди. Менгина тушмагур алам-аччиқ устида эътибор бермаган эканман. Кейинги хатларидан бирида кузатиш пайти айтган гапим ёдингдими, деб сўрабди. Нима деган экан, дея қўп ўйладим. Уч-тўрт ой ўтиб, Ровноми, Вилноми деган жойдан қора хат келди. Конвертдан бир варақ қороз ҳам чиқди. У аданг ёзиб, тугата олмаган сўнгги хати экан. Сўзма-сўз эслатипти, поездага чиқиб пайти айтган гапини. Қора хатни ўқиб, ҳушимдан кетиб қолибман. Бир пайт чақалоқ йиғисидан қўзим очилиб кетди. Қарасам, тепаида холанг, катта опонинг туришибди. Ҳушимга келганимни кўриб, холанг тиз чўқди, бағрига босиб тургани сен экансан, оҳиста кўрсатиб: «Холва, Бахриниса», — деб қўйди.

— Исми Насибхон бўлсин...

(Давоми бор).

Бош муҳаррир

Убайдулла

АБДУШОҲИДОВ

«Кимёгар» жамоаси Тошкентда «Шайхонтоҳур» билан баҳс юритиб, 1:0 ҳисобида зафар кучди ва 40 очко билан 3-ўринни банд этди.

«КИМЁГАР» КУЧЛИ УЧЛИҚДА

«ОТМК» эса ўз майдонидида «Косонсой» устидан 4:0 ҳисобида йирик ғалабага эришиб, 28 очко билан 14-ўринга кўтарилиб олди.

Талъат ЮСУПОВ.

САНЪАТ УСТАЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» ҳам-фармасининг пойтахти-миздаги Миллий санъат марказида «Вага-Арт 2007» кўргазма-ярмаркаси ташкил этилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри халқ амалий санъати усталарининг ижод намуналарини билан таништириш мумкин.

Унинг очилишида маданият ва санъат арбоблари, мамлакатимиздаги дипломатик корпус, сайёҳлик компаниялари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мазкур кўргазма-ярмарка «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» ҳам-фармаси Миллий санъат марказининг илк ижодий лойиҳаси бўлиб, амалий санъатимиздаги мавжуд миллий йўналишлар, услублар, мактабларни асраб-авайлаш, истеъдод соҳибларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида ташкил этилди.

Тўрт кун давом этаётган кўргазма-ярмаркада ижодий беллашув голиблари қиматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Бош мукофот соҳиб эса Францияда бўлиб ўтаётган «Ипак йўли ва сайёҳлик» кўргазмасида иштирок этиш имкониятини қўлга киритди.

Назозат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.

Саҳифа меҳмони

Вилоятимизнинг сўлим гўшаларидан бири Қибрай тумани Дўрмон қишлоғида кўпчиликка яхши таниш бўлган Саидумаровлар оиласи истикомат қилади. «Қишлоқ аҳлига нима каромат кўрсатибдики, бу хонадонни етти ёшдан етмиш ёшгача барча таниса?»

деган ўй ҳаёлингиздан ўтган бўлса, ажабмас. Тўғри, ҳаётда яхши ном қозониш осонмас. Бунинг учун, аввало, дунёнинг роҳати фароғатидан кечиб, ўзгаларнинг ҳузур-ҳаловати йўлида беминнат хизмат қилишдек неқбиллик зарур одамга.

ҲУНАРИНИНГ НОНИ БУТУН

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, журналист Анвар Саидумаров фарзандларини ана шундай фидойи, жонқуяр инсонлар бўлиб етиштириш жуда хоҳлаган, орзу қилган. Ҳозир 9 фарзанд — 4 қиз, 5 ўғил эл-юрт хизматидаги қомил инсонлар. Улардан Шавкатхон ва Тохирхон ота-боболари касбини — косибчиликни давом эттиришдагана бўлса, укалари Саъдулла дурадгор, меъбел ясаيدди.


— Косибчилик асли бизга ота касб, — дейди Тохирхон. — Табиатан очик-кўнгли, тиришқоқ бўлган отам адабиётга, журналистикага мойиллиги бўлса-да, косибчилик ҳунарини ташламаган. Бир йигитга қирқ ҳунар оз, дейишади. Шойирлигинг кўнгли иши, лекин ҳунарининг ташлама, у сenga ҳамиша мададкор бўлади, дердилар. Мана, кўриб турибсиз, ҳозирнинг ўзида икки кишининг ҳолати раво бўлди, бизга эса ризку насиба...

Ҳақиқатан ҳам, тайёр, таъмирлаб қўйилган пойабзалини мамнулини билан оёғига кийиб олган мижознинг чехраси ёришиб, раҳмат айтди. «Ишга кетаяпти, эрталабдан кечгача халқ хизматида. Уларга унча-мунча оёқ кийим дош бермайдик, биз эса оз бўлсада ортиқча харажатдан асраймиз, харна, чўнтакка ёрдам, — ўйлайди Тохирхон. — Ҳозир чет элдан келтириладиган замонавий, тузбичим пойабзалларни тез-тез таъмирлаб туриш керак. Лекин биз тикаётган туфлилар нисбатан пишиқроқ, узоққа чидайди».

Ақиси Шавкат билан пойабзал тикиш цехини қуриб, ишлашайтгани ҳақида гурур билан сўзлайди:

— Илгарилари маҳсулотимизни яширинча тикиб, беркитиб сотишга мажбур эдик. Мана, ҳозир мустақиллик шарофати билан ҳунардорлар, тадбиркорлар кенг имкониятлар яратилмоқда.

Косибчиликни ҳосиятли, хайрли касб, дея бежиз айтишмаган. Тохирхоннинг мўйжазгина устахонаси мижозларнинг доимий ташри-



фидан янада файзли кўри-нади.

— Қишлоғимизда қарийб 4,5 минг аҳоли яшайди, — дейди у. — Деярли ҳаммаси мен учун юзи иссиқ, дилга яқин кишилар. Улар билан мулоқотда бўлиш менга ҳузур бағишлайди.

Қолаверса, «Қанотда хикмат кўп», дейишади. Халқ ичида бўлсанг хор бўлмайсан. Бир бурдадан берса ҳам тўйдиради. Мухими, заҳматли меҳнатнинг нони ширин бўлади. Отамнинг ўғитлари энди фарзандларим тарбиясида ақс этаят-тир.

Қизим Майсарахон 10-синф ўқувчиси. У бобосига ўхшаб журналистикага қизиқад.

Зулфия мукофоти танлови иштирокчиси. Ўғли Саидумар эса саккинчи синфда. Косибчиликка меҳр қўйган. Бўш пайтларида менга ёрдам бериб туради.

Анча қўли келиб қолди. Келажакда каттагина пойабзал ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этиш орзу-сида. Бир пайтлар бундай орзулар рўёбига ишониш қийин эди. Яратганга шўкр, дорилломон кунларда яшатирилганимизга ҳам яқинда 16 йил бўлади. Мустақиллик тенгдоши — ўғлим Саидумарнинг порлоқ келажига ишонаман.

Асл заҳматкаш косиб, суратию сийратидан хоксорлик, оддийлик сезилиб

турган Тохирхоннинг шуқроналик билан айтётган дил сўзлари суҳбатдошига ҳам хуш кайфият, кўтаринчилик бағишлайди.

...Қизиги шундаки, косибнинг қадок қўллариди қаламининг ҳам алоҳида ҳаётбахш ҳовури бор. Ишқили, дардли юрак тафти сатрларга кўчганда ҳорғинчи-нинг ўринини Ватан ишқи эгаллайди, эрқа туйғулар жўш уради. Хар бир воқеа-ҳодисага муносабат билдириш, жамиятда рўй бераётган бунёдкорлик ишларидан, улкан ўзгаришлардан фахрланиш, гурурланиш беихтиёр қўлга қалам тутишга ундаган бўлса ажабмас. Балки адабиётни дилдан севган, эъзозлаган ота сабоғида ҳам бир ҳикмат бордир. Хуллас, ҳунардорлик сирини обдон эгаллаган оддий косибнинг қўнглидан кечган эъгуликлар қороз бетида ҳам ўзига хос жилваби, ёқимли. Яқинлашиб келаятган улғу айём — Истиқлолни шарафлаб ёзган шеърларида ҳам эъгуликка ишонч руҳи буй кўрсатиб турибди. Гарчи шоирликка давон қилмасида, Ватанга бўлган муҳаббат кўнглига ажиб туйғулар бахш этган.

Панд бермади ироданг, сабуру бардошинг.

Кутлуғ бўлсин, Истиқлол, балоғат ёшиг.

Гулласин эъгулик, садақат

Сайёра РИХСИЕВА, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

богинг,
Заковат таратсин илм
ўқоғинг.

Яратганга шўкрона, сenga ташаккур,
Тикланди қадрият, илму тафаккур.
Ишчи, деҳқон, ҳунардор бўлдилар яқдил,
Қўймоқдалар қадамини мустақил, дадил.

Дарҳақиқат, ишчи, деҳқон, ҳунардорнинг елкасига офтоб теги, эмин-эркин меҳнат қилиш, меҳнатининг ҳузурини кўриш насиб этди. Ҳақиқий ҳунардорлар, тадбиркорлар оиласининг яна бир аъзоси, келинлари — дурадгор Саъдуланинг умр йўлдоши Матлубахон ҳам қўли гул чеварлардан.

— Тикувчиликни онамдан, устозим Соҳида оладан ўрганганман, — дейди у. — Ҳозир синглим ҳам аҳшигина кўйлақлар тикиб, эл эътиборига тушди. Учта фарзандим бор. Оила, рўзгор ташвишларини енгишда энг аввало меҳнат, ҳунар катта мададкор. Шунинг учун фарзандларим ҳам ҳунари бўлса, дейман. Ахир ҳунардорнинг нони бўлиб бўлади, дейишади. Айниқса, сиздан миннатдор мижозларнинг ихлоси янада ғайрат билан ишлашга ундайди. Яқинда Австралияга кетаётган бир синглимиз тўй либосларини тиктириб, кийиб кетди. «Чет элликларни ҳам лол қолдиради бу қўйлақлар» дейди у. Қаранг, бу биз учун катта бахт, шараф эмасми?!

Ҳа, ҳозирги дорилломон кунларнинг фазли, қадри ўзгача. Хар ким ҳаётдан, ўз меҳнатидан завқ олиб, гурур ва ифтихор билан яшаш, ишлаш имкониятига эга. Тинчлик, фаровонлик ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ҳукм сураётган эркин фуқаролик жамиятида, озод Ватан бағрида яйраб-яшнаб яшайтган кишиларнинг қувончи бардавом бўлғай.

Сайёра РИХСИЕВА, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

СУРАТДА:

ҳунардор Тохир Саидумаров ўғли билан.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

Рассом хангаси

